



1865 йилнинг баҳорида генерал Черняев катта кўшин билан Кўкон хонлигининг энг йирик шаҳарларидан Тошкент остонасида пайдо бўлди. Бу шаҳар Туркистонни харбий, маъмурий идора этишда гоят кулай эди. Бирок чор ҳукумати воқеаларнинг гоят тезлашиб кетаётганидан бир оз ташвишга тушган, жaxon афкор оммаси олдида ўзини андак нокулай сезар эди. Шу сабабли генерал Черняевга Тошкентни босиб олишга шошмаслик тўғрисида кўрсатма келади. Лекин рус кўшинининг кетма-кет галабалари, вайрон ва талон нашъасидан маст генерал ўзини тута олмайди. Тошкентни камал килади. Айрим маҳаллий соткинларнинг ёрдами билан Тошкентни сув билан таъминловчи Ниёзбек калъасини эгаллайди. Ва шаҳарга кирадиган сувни тўсиб қўяди. Шаҳар сувсиз қолади, бироқ таслим бўлмайди. Кўкондан ёрдам чакирилади. Шошилинч Алимкул бошчилигида кўшин етиб келади. 1865 йил 15 июнь эрта тонгида Русия кўшинининг полковник Абрамов бош 250 кишилиқ илгор отряди 42 кунлик камалдан сўнг Камолон дарвозасидан ичкари киришга муваффақ бўлади.

Жанг оғир ва шиддатли кечди. Тошкент босқинини ўз кўзи билан кўрган тарихчи Мухаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») китобида ёзади: «Бутун осмонни тутун ва чанг коплаб олди, ниҳоят, руслар яқиндаги тепалик томон чекиниб, мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Камалда ётган шаҳарликлар бунини кўриб жуда қувондилар. Етти яшар боладан тортиб, етмиш яшар чолларгача галабани қутлаб, сарбозларга овкат, шарбат, иссик нон, ширин ва нордон мевалар келтириб турдилар. Лекин рус кўшинлари ўзларини ўпглаб қайта хужумга ўтиб, Тошканд кўшинларини орқага чекинтирди».

Замонавий уруш қуролларидан беҳабарлик панд берди. Рус тўпларининг гумбурлаган овозлари шаҳар ахлида кўрқув ва ваҳима уйғотди. Уруш авжи кизиган бир пайтда кўшин бошлиғи Алимкулга ўқ тегиб йиқилади. Аскарлар саросимада қоча бошлайдилар. Амирлашкар вазифасини Султон Мирсаид ўз зиммасига олади. Жумладан, козок султонларидан Кенесарининг ўғли Султон Содик ва унинг йигитлари, қўнгиллилардан Мирюсуф Мирсултон богбон ўғли, Нормухаммад, Мулла Шер мерганлар жасорат намуналарини кўрсатадилар. Бирок яна хиёнат юз беради. Душман соткин ёрдамида шаҳар ўқ-дори омборхонасини портлатишга муваффақ бўлади. Бу барча умидларни йўққа чиқаради. Бухоро амирига ёрдам сўраб чопар юборадилар. Амир ўтган гиналарни ўртага солади. Уни хафа қилган тошкентлик амалдорларни тутиб хузурига юборишларини талаб килади. Шу тариқа қучларни тўплаб, Русия кўшинига қарши биргаликда қурашмоқ имконияти барбод бўлади. 1865 йил 17 июнда шаҳар оксоқоллари

генерал Черняев томонидан тайёрланган ахдномага имзо чекадилар. Ахдномада ахолининг ўз динида қолиши, барча ишлар шариат асосида олиб борилиши, шахсий мулкларнинг дахлсизлиги билдирилган эди. Ваъда бошда шундай эди.

Сохта хат ва Солихбек охун жасорати

Черняев асл мақсадга ўтади. Вазиятдан фойдаланиб шаҳар оксоколларидан Тошкентнинг Русияга Ўз ихтиёри билан қўшилгани ҳақида сохта хат тайёрлаб беришларини талаб қилади. Хатнинг мазмуни қуйидагича бўлиши лозим эди.

«Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фаргона хонлари ҳукмронлик қилиб, фуқароларга жабр-зулм ўтказиб келдилар. Закот, хирожларни шариат асосида олмадилар. Ҳеч бир марҳамат қилмай келдилар. Қадим урф-одатларимизни, таомилни унутдилар. Мансаб-мартаба йўлида қўллаб қишлоқларни ўлдирдилар. Фитначи, игвогарлар сўзини тутдилар. Нохак қонлар тўкилди, шариат ва уламо сўзи ерда қолди. Фаргона ва Туркистон заминида узок вақт қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ҳукм суриб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат осойишталигини ўйлаб тамомила ўз ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб қелиб, уларга шаҳарни топширдик ».

Бу хат билан генерал Черняев, биринчидан, оқ подшонинг Тошкентга ҳужум қилишдан сакланиб туриш ҳақидаги фармонини бажарган, маҳаллий халқнинг мурожаатидан кейингина шаҳарга қиришга мажбур бўлган бўлиб чиқар, иккинчидан, босқин туфайли содир бўлган вайрона ва қирғинни жаҳон афкор оммасидан яшириб қолар эди. Тошкент оксоколлари буни рад этдилар. Айниқса, Солихбек охун генералнинг қўзига тик боқиб, халқ шаънига ҳеч қачон тухмат қилмаслигини, бўлган воқеани бор ҳақиқати билап ёзишларини айтади. Чунинчи, шимолда Окмачитгача, шарқла Гулжагача бўлган қалъалар Тошкентга қарагани, Тошкент уруши тўсатдан, муҳлатсиз, гап-сўзсиз олиб қорилгани, шаҳар 42 кун сувсиз ва оқ қолдирилганини, Мулла Алим шаҳид бўлгач, қўшин сардорсиз қолгани, Бухоро, Хоразм, Фарғонадан ёрдам қилмагани, Тошкент фуқароси сўнги имконларига қадар Ваган ва динни ўз номуслари қадар ҳимоя қилганларини ёзишларини билдирди.

Бундай ҳолга дуч қилмаган генерал газабдан қутуриб қетадм ва оқ таҳқидга ўтади. Оксоколларнинг бир қисми итоат этадилар. Иккинчи қисми икқиланиб қолади. Солихбек охун эса, «Ажалим сенинг қўлингга бўлса, тайёрман!» дея имон-эътиқодига, халқ иродасига қарши қормаслигини, шу сабабли сохта ҳужжага имзо қечмаслигини қаъбий билдиради. Уни етти қиши: Халим қой, Бердиқой, Азимқой, Қозилқойқачча, Мулла Мирзаолим охун, Қудла Музаффархўжа аа Мулла Хайдарлар қўллаб қикадилар. Ўша заҳоти буларнинг ҳаммаси қамокка олиниб, Сибирга сургун қилинади. Аламзада генерал Сибирга ҳуфйя жўнатиб, икки йилдан сўнғ жасур Солихбекни заҳарлаб ўлдиришга муваффақ бўлади.

9 қиши имзо қўйган сохта мақтуб Черняев топшириғи билан ватан ҳоинлари томонидан Санкт-Петербургга подшо ҳузурига етқилади. Хар қим ўз ҳизматиға қўра тақдир

этилади. Совет даври китобларида узок йиллар хукмрон бўлиб келган Туркистоннинг Русияга «ихтиёрий» кўшилиш тарихи мана шундай бошланган эди.

"Миллий уйғониш даври Ўзбек адабиёти" китобидан